



# O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 25-yanvar. Seshanba • 11 (31.286) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХАВҒСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Жозе Мануэл Баррозонинг таклифига биноан 2011 йил 24 январь куни Брюсселда бўлди.

Бельгия Қироллиги пойтахтига ташриф асносида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Жозе Мануэл Баррозо, ЕИнинг энергетика бўйича комиссари Гюнтер Эттингер, НАТО Бош котиби Андерс Фог Расмуссен билан учрашди.

Дўстона ва очкич руҳида кечган музокара чотида томонлар Ўзбекистон-ЕИ, Ўзбекистон — НАТО муносабатларининг бугунги аҳоли ва ривожланиш истиқболлари юзасидан фикр алмашди.

Президент Ислоҳ Каримовнинг Еврокомиссия Президенти Жозе Мануэл Баррозо билан тор доирадаги ва кенгайтирилган таркибдаги учрашувлари белгиланган вақтдан анча узоқ давом этди. Очк ва конструктив ўтган ушбу учрашув чотида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга оид ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинди.

Еврокомиссия раҳбари Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг ушбу ташрифи доллар ва ўз вақтида амалга оширилган ташриф бўлганини ҳамда сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун бугун барча зарур шароитлар мавжудлигини таъкидлади.

Жозе Мануэл Баррозо Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги стратегиясини амалга оширишдаги қўрсатган ёрдами учун мамлакатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик изҳор этиб, ушбу ташриф Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасида икки томонлама муносабатлар ривожига янги босқични бошлаб беришига ишонч билдирди.

Еврокомиссия Президенти Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича жаҳон ҳамжамиятида энг юқори кўрсаткичларга эришадиганини таъкидлаб, Европа Иттифоқи давлатлари устувор лойиҳаларни амалга ошириш, инфратузилмани ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва илмий-техникавий алоқалар кўламини кенгайтириш учун юқори технологиялар тақдим этиш орқали мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар ва тузилмавий янгиланишлар жараёнида фаол қатнашишга тайёр эканини қайд этди. Ташриф асносида Молиявий ва техникавий ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Жозе Мануэл Баррозо ташриф асносида Энергетика соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган истиқболда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш учун, жумладан, ёқилғи-энергетика мажмуи тармоқларини модернизация қилиш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳамда минтақалар ўртасида транспорт-коммуникация ва транзит йўлақларини ривожлантириш борасида улкан имкониятлар очинишни таъкидлади.

Ўзбекистон Европа Иттифоқининг Ўрта Осиёдаги трансгеографик дарёлар сув захиралирининг фойдаланиш масалаларига оқилона ёндашувини юксак қадрлайди. ЕИ манфаатдор мамлакатлар, экологик мувозанатни сақлаш ҳамда трансгеографик дарёлар сув ресурсларидан одилона, барқарор ва оқилонга фойдаланиш тамойилларига асосланган ҳолда, сув ва энергетика масалаларида ҳамкорлик бўйича мустаҳкам ва очк механизмни ишлаб чиқишда биргаликда иш олиб бориши зарур, деб ҳисоблайди.

Жозе Мануэл Баррозо Европа Иттифоқи раҳбарияти Президент Ислоҳ Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида баён этилган мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини катта эътибор ва қизиқиш билан қабул қилганини қайд этди. Еврокомиссия Президенти Европа Иттифоқи раҳбарияти ушбу концепцияни ҳаётга татбиқ этишда, жумладан, жамиятни демократлаштириш жараёнини мустаҳкамлашга қаратилган меъририй-ҳуқуқий аҳамиятга молик лойиҳаларни ишлаб чиқишда, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришда, суд-ҳуқуқ тизimini янада либераллаштиришда барча зарур ёрдамни кўрсатишга тайёр эканини таъкидлади.

Томонлар инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги масалаларида мулоқотни давом эттиришдан манфаатдор эканликларини қайд этдилар.

Еврокомиссия раҳбари Президент Ислоҳ Каримовнинг Қирғизiston жанубида 2010 йил июнь ойида рўй берган фожияли воқеалар чоғидаги вазмин ва конструктив позицияси чуқур ҳурмат-эҳтиром уйғотганини таъкидлади. Уша мураккаб вазиятда Ўзбекистоннинг узоқни кўзлаб юритган сиёсати можоро ёйилиб кетишининг олдини олганини ва бу Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси халқ қилувчи роль ўйнашини яна бир карра тасдиқланганини қайд этди.

Томонлар Қирғизistonда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик сақланишидан манфаатдор эканликларини билдирдилар. Европа Иттифоқи раҳбарияти ўзининг 2010 йил июнь ойида Қирғизiston жанубида рўй берган фожияли воқеалар юзасидан хар томонлама, холис ва мустақил халқаро тергов ўтказиш зарур, акс ҳолда, бу мамлакатда узоқ муддатли барқарорлик ўрнатишга эришиб бўлмайдиган, деган принципал позициясини яна бир бор тасдиқлади.

Музокара чотида Афғонистондаги вазият ривожига баҳо берилиб, турли манфаатдор томонларни мулоқотга жалб этиш орқали бу мамлакатдаги ички вазиятни барқарорлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Еврокомиссия раҳбари Ўзбекистон Афғонистоннинг иқтисодиёти ва инфратузилмасини тиклашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириб келаётгани учун мамлакатимиз Президентига самимий миннатдорлик изҳор этди.

Ташриф асносида имзоланган Ўзбекистонда Европа Иттифоқи Делегациясини таъсис этиш тўғрисидаги битимга юқори баҳо берилиб, ушбу ҳужжат эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш учун пухта замин яратиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг НАТО Бош котиби Андерс Фог Расмуссен билан учрашуви томонларнинг Ўзбекистон билан Альянс ўртасида конструктив ҳамкорликни ривожлантириш борасида муштарак манфаатларга эга эканини намоён этди. Бунда Индивидуал шериклик дастури ҳамда қабул қилинадиган қарорларни режалаштириш ва таҳлил қилиш жараёни доирасидаги ҳамкорлик, ядровий ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуроллари тарқалиши билан боғлиқ таҳдидларни баргараф этиш, терроризм ва наркотикларнинг гайркионуний айланишига қарши курашишдаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бу алоқаларнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Афғонистондаги ўта мураккаб вазият шариоитида ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликка эришишни муқобил йўлларини топиш муҳим аҳамият касб этиб бораётганини қайд этилди. Ўзбекистон раҳбарининг фикрича, БМТ шаффеълрида Афғонистонга қўшни мамлакатлар ҳамда АҚШ, НАТО ва Россия вакилларидан иборат «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳамкорликка оид айрим масалалар бўйича Ўзбекистон томонининг позицияси юзасидан зарур ва тўлиқ изоҳлар берилди.

НАТО Бош котиби Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётганини таъкидлаб, ушбу мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш борасида ҳамкорликни давом эттириш тарафдори эканини қайд этди.

Президент Ислоҳ Каримовнинг Брюссель шаҳрига ташрифи Европа Иттифоқи, НАТО ва Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўзаро манфаатдорлик асосида тури соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги фикри муштараклигини намоён этди. Ташриф чоғида бир неча бор қайд этилганидек, томонлар юксак салоҳиятга эга бўлиб, унинг амалга оширилиши ўзаро манфаатлар рўёбига хизмат қилади.

Анвар БОБОЕВ,  
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ.

Тошкент — Брюссель — Тошкент.

## ЎЗДП ҳаёти



## Ташаббус амалий иш билан мустаҳкамланади

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг пленумида Президентимиз илгари сурган Концепцияни амалга оширишда вилоят партия ташкилотидида турган вазифалар муҳокама этилди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этган Концепция мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда янги даврий бошлаб беради. Сиёсий партияларнинг ўз мақсадларига изчиллик билан эришиши, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириши, аҳоли хоҳиш-иродасини ифода этиши, давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштироки борасида мустаҳкам ҳуқуқий майдон юзага келмоқда.

— Партия бирон-бир аниқ вазифани охиригача бажарса, шунинг натижасида жамоатчиликка нафи тегса халқ ишончига кириши мумкин. Бунга эришиш учун ташаббус ва ҳаракат куйи-дан, оддий инсонлар орасидан бошланиши керак. Демак, партия бугун илгари сураётган шиорлар ҳам

беvosита шунга қаратилиши, фаол ижтимоий-сиёсий жараёнга ҳамоҳанг бўлиши лозим, — деди **ЎЗДП вилоят кенгаши раиси Маҳмуджон Маҳмамов**. — 2010 йили вилоят партия кенгаши ташаббуси билан қатор ҳудудларда кам таъминланган оила аёлларига бепул тиббий хизмат кўрсатиш бўйича тадбирлар ташкил этилди, кўпгина партия ташкилотлари электорат вакиллари учун хайрия акциялари ўтказди. Лекин бу борадаги ишлар дастурида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш учун етарлими? Амалий ишларимизни ҳудудларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши бўйича устувор вазифаларни ҳал этадиган ташаббуслар билан кучайтириш керак.

⇒ 2

## Муносабат

## Инсон сиҳат-саломатлиги бош масала

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳмазининг мажлисидаги маърузаси жойларда катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганилмоқда, тегишли хулосалар чиқариб олинмоқда!

Инсон учун биринчи бахт унинг соғлиги. Фақат соғлом одамгина соғлом фикрлайди, соғлом шахс жамиятнинг фаол иштирокчисига айланади. Мана шу ҳақиқат аниқлаб етилган мамлакатда инсон саломатлиги бош масала ҳисобланади.

Президентимиз маърузасини телевизор орқали кўриб, матбуотда ўқиб бир шифокор сифатида қалбим фаҳр-ғурурга тўлди. Мамлакатимиз раҳбари томонидан келтирилган мана бу рақамларга эътиборингизни қаратсам: **Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун жами 2 триллион сўмдан орტიқ маблағ йўналтирилди, бунинг 1 триллион 700 миллиард сўми бюджет маблағларидир.**

Шунингдек, маърузада соғлиқни сақлаш тизимида туб бурилиш ясаган, энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктларининг сони 2000 йилга нисбатан икки баробар кўпайиб, 3 минг 500 тадан ошганлиги айтилди.

Бугун Каттакўрғон тумани аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида 29 та ҚВПлари фаолият кўрсатмоқда. Улар «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Шунинг тўла ишонч билан айтиш мумкинки, одамлар ўзи яшайдиган қишлоқда сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имконига эга бўлишди.

ҚВПлар жойлашган ҳудудлар аҳолисини тиббий қўриқдан ўтказиш мақсадида олий тоифали шифокорлар, тажрибали бўлим мудирилари ва кўп тармоқли марказий поликлиника врачларидан иборат учта гуруҳ тузилган.

Хар учала гуруҳ ҳам кун давомидаги қўриқ натижалари ҳақида туман тиббиёт бирлашмасининг репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш марказига маълумот беришади. Ўз навбатида хар кунлик ҳисобот вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига юборилади. Бунда асосий эътибор, энг аввало, туғиш ёшидаги аёллар саломатлигини жиддий назорат қилишга қаратилади.

Мана шу кузатишлар натижасида ўтган йили ҳомиладор аёллардан 658 нафари вилоят скрининг марказида тиббий текширувдан ўтди.

Тиббиёт бирлашмасига қарашли туғуруқхона бўлими ҳам 2010 йилда «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида замонавий тиббий жи-

ҳозлар билан таъминланди. Мамлакатимизда фарзандларимиз саломатлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. 2010 йилда туманимизда истиқомат қилаётган 15 минг 607 нафар ўсмир тўлиқ тиббий қўриқдан ўтказилди. Касаллик аниқланган ҳолатларда улarga амбулатор ва стационар шариотларда тиббий ёрдам кўрсатилиб, соғломлаштирилди.

Маърузада соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш ва ушбу тизимда сифат ўзгаришларини амалга оширишни таъминлаш борасида бошланган кенг кўламли ишлар 2011 йилда ҳам давом эттирилиши таъкидланди.

Янги шифохоналар, поликлиникалар кўриш билан биргаликда тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш тизimini янада тақомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилаётганлиги ўз навбатида биз шифокорлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Шунингдек, ўтган йилги ишларни сарҳисоб қилиб, янги йилда олдимида қўйилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга давват этади.

**Ҳамза ҲАМПОЕВ,**  
Каттакўрғон туман тиббиёт бирлашмаси бош вазири,  
тиббиёт фанлари номзоди.

⇒ 2

## ЎзЛиДеП қора технологиялардан изчил фойдаланмоқда

«XXI asr» газетасида чиқётган айрим мақолалар бунинг исботидир

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 ЙИЛ 25 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ					
1 Австралия доллари	1630,20	1 Миср фунти	284,24	1 СДР	2566,40
1 Англия фунт стерлинги	2635,57	1 Канада доллари	1661,14	1 Туркия лираси	1048,95
1 БАА дирҳами	449,51	1 Хитой юани	250,77	1 Швейцария франки	1720,34
1 АҚШ доллари	1650,84	1 Малайзия ринггити	540,11	1 Евро	2213,36
				10 Жанубий Корея вони	14,73
				1 Япония иенаси	199,47
				1 Россия рубли	55,01
				1 Украина гривнаси	207,82

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки назарда тутиб олган маълумотлардан фойдаланган.



# ЎзЛиДеП қора технологиялардан изчил фойдаланмоқда

## «XXI asr» газетасида чиқаётган айрим мақолалар бунинг исботидир

■ Кейинги пайтда сиёсий партиялар ўртасида баҳс-мунозара жонланаяпти. Уларнинг нашрларида бу мавзуда мақолалар кўпайди. Бироқ масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси ҳолис, амалий баҳс ўрнига кўпроқ қора технологиялар, қора пиар усулларида фойдаланишга зўр бераётгани сезилиб қолади.

Бугун замон бошқа. Одамларнинг онги, дунёқараши бошқа. Ўзини мақтаб, бошқани ёмон дейиш билан мақсадга эришиб бўлмайди. Бундай усул аслида партиянинг қандай партия, газетанинг қандай газета эканини, мақола муаллифининг савиясини ойнадек кўрсатади.

Либераллар нашрининг 20 январь сониди эълон қилинган «Қарс икки кўлдан» мақоласи ҳақида ҳеч иккинчи шай фикрни билдирishi мумкин.

ЎзЛиДеП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Омонулло Исламовнинг мақолада келтирилган сўзларига эътибор қарайлик: «...бугун вилоят кенгашига сайланган 27 нафар вакилимиз (аслида 25 нафар — изоҳ бизники) асосий эътиборни ўрта қатлам кишиларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, одамларнинг реал даромадини ошириш орқали турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган аниқ ташаббус, вилоят Кенгаши сессиялари муҳокама-си учун қандай таклифлар киритгани, доимий комиссияларда қайси масалани муҳокама этишга эришилгани хусусида ломим демайди. Яъни мавзум гапдан нарига ўтолмайди.

Мақола муаллифлари Озод Ражабов ва Наргиза Қажорова либерал партия вилоят кенгаши раисининг баландпарвоз сўзларига ишонч ҳосил қилиш учун Пскент туманига йўл олади. Бироқ мақсад бошқа томонда қолди, улар ЎзХДП фаолиятини камчилик топишга тушиб кетишди. Бирор аниқ масала юзасидан фикр айтишса, ҳеч қандай эътироз йўқ эди. Аммо...

Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари мухбирларга депутатлар ташаббуслари ҳақида аниқ маълумот бериш учун халқ депутатлари туман Кенгашининг баённомаларига мурожаат этиш кераклигини айтади.

«Наҳотки баённомаларда аксини тошган масалалар шунчалар кўпки, масул ҳодимларнинг ёдида қолмаган бўлса?» — деб киноямуз пичинг қилади муаллифлар.

Таъкидлаш керакики, ўтган йил давомида халқ депутатлари Пскент туман Кенгашининг «XXI asr» махсус мухбирлари ёзганидек 4 та эмас, балки 6 та сессияси бўлиб ўтган. Унда туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид қатор масалалар кўриб чиқилган. Бир томондан, уларнинг барчаси ёдда қолмаслиги табиий. Иккинчидан, ташкилий нозорат гуруҳи раҳбари бу вазифада иш бошлаганига эндигина бир ой бўлган. Табиийки, ҳужжат қарамадан аниқ маълумот айта олмайди.

Хурматли ҳамкасбларимиз, шунингдек, туман ҳокими ўринбосари ҳам депутатлар қандай ма-

салада ташаббус кўрсатганини эслаш олмаглигини айтади.

Бўлиши мумкин. Ҳамма маълумотни эсда сақлаш қийин. Бизни бошқа масала таажубга солди. Ахир туман ҳокими ўринбосари депутатлар фаолияти ҳақида маълумот беришга ваколатли шахс эмас-ку. Туман ҳокими ўринбосарининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига бевосита қандай алоқаси бор?

Масалала ҳудди шундай — либералча ёндашадиган бўлсак, депутатлардан судлар, судьялардан ижро ҳокимияти фаолияти ҳақида сўраш, бирор-бир масалада аниқ жавоб бера олмаса, бемалол айблаш мумкин экан-да? Унда Конституцияда мустақамланган ҳокимиятлар бўлиниши принциплари қаерда қолади?

Халқ демократик партияси депутатларининг ташаббуслари ҳақида билимочи экансиз, нега ХДП туман кенгаши ёки депутатлари мурожаат этмайси? ХДПдан туман Кенгашига сайланган 21 нафар депутат ўтган йил давомида бирон-бир жиддий масалани туман, вилоят Кенгашига олиб чиқмади, номига фаолият юритяпти, дея айб-лашдан олдин, аниқ манбадан аниқ маълумот олиш керак эмасми?

Журналист астойдил истаса, маълумотни албатта топади. Бунинг учун озгина масъулия, меҳнат, изланиш талаб этилади. «XXI asr»даги ҳамкасбларимиз журналиста хос иш тутишганида ўз газетаси саҳифасини миш-мишхона-ю ёлгонхонага айлантирмаган, таҳририй жамоасини ҳам, партиядошларини ҳам ноқулай вазиятга солиб қўймаган бўлар эди.

Тажминлар асосида фикр юритиш, асоссиз маълумот тарқатиб, рақибларни бадном қилишга уриниш қора пиар дейилади.

Бундан ташқари, туман Кенгаши депутати вилоят Кенгашига масала кирита олмаглиги, унинг ваколати туман Кенгаши доирасидан чиқмаслигини наҳотки сиёсий партия нашрида мухбирлик қилаётган журналистлар билмасми? Акс ҳолда, туман Кенгашидаги 21 нафар депутатни вилоят Кенгашига масала киритмаганида айбламаган бўлар эди. Депутатлик гуруҳи фаолиятига баҳо бермоқчи бўлган киши аввало турли даражадаги депутатларнинг ваколатлари бир-биридан фарқ қилишини тушуниб олиши керак эмасми?

«Ҳар қалай 2008 йилнинг 1 январидан кунга кирган «Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик нозоратини ўрнатилган сиёсий партиялар зиммасига алоҳида масъулият юклаганини туман кенгашидаги 21 на-

фар ХДП аъзосига эслатишнинг ҳолати бўлмаса керак», — дейди муаллифлар.

Тўғри, эслатишнинг ҳолати йўқ. Сабаби, сиз айтган Конституциявий қонун халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялар ва депутатларга ваколатлар беради. Туман Кенгаши депутатлари бу қонун берган ваколатлардан бевосита фойдалана олмагликлари тушуниш учун доимианд бўлиш шарт эмас, назаримизда.

Мақолада бир фермернинг куйидаги фикрлари келтирилади: «Ижтимоий қатламга қўмаклашиш, газ ва ичимлик сув муаммоларини ҳал қилиши сайловда дастурларининг устувор йўналиши этиб кўрсатган ХДП вакиллари туман кенгашида кўпчиликини ташкил этсалар-да, уларнинг ўтган йилда сайловчиға нафти теканини эшитмадим».

Пскент туманида бўлганимизда ЎзЛиДеП туман кенгаши раиси ўринбосари Шоира Ражабова ҳамда ўша фермер билан учрашдик.

«XXI asr» мухбирлари билан сўхбатда ХДП ҳақида умуман гап-сўз бўлмаган, — деди фермер. — Менинг номимдан айтилган гапларни улар қаердан олишган, билмайман. Агар сўрашганда ҳам, ЎзЛиДеП аъзоси бўлсам-да, ХДП депутатларининг ҳақиқатдан фаоллигини айтган бўлар эдим. Менинг ўзимга ҳам фойдаси теккан

*Мухбирлар ЎзХДП депутатлари фаолиятини ўрганмоқчи экан, партиянинг Пскент туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Дилбар Комиловага мурожаат этишлари мумкин эмасми? Туман Кенгаши сессиялари муҳокама қилинган ҳар бир масалани партияимиз депутатлик гуруҳи аввал гуруҳда кўриб чиқиб, кейин сессияда ягона позицияни ҳамой қилаётганини, депутатлик гуруҳи ташаббуси билан шу вақтга қадар туман Кенгаши сессияларида тўртта масала муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинганини билиб олишган, ЎзХДП депутатлик гуруҳи бирорта ҳам ташаббус билан чиқмади, деб ёлгон гапирмаган бўларди.*

уларнинг. Мен депутатлар ҳақида айтган гаплар ЎзЛиДеП депутатлари ҳақида эди. Улар газетда ҳатто фамилиямини ҳам нотўғри ёзишди.

Шоира Ражабова ҳам фермернинг гапларини тасдиқлади. «ХДП кучли партия, илдизлари мустаҳкам, шу сабабли оёру-этибори юқори, бизнинг бу партияга ҳеч қандай эътирозимиз йўқ» дея таъкидлади у.

Биронинг номидан тўқиб-бичишга, айтмаганини айтиш, деб даъво қилишга «XXI asr» махсус мухбирларини нима мажбур этди экан? Улар нима қилиб бўлса-да, ХДПни ёмонга қатнариши уйлашганини ёки танқид учун мавзу топмай, тўқисам ҳам бўлаверди, деб ўйлашганимикин? Бундай йўл журналист этикаси, маданиятига мутлақо зид ҳаракат-ку. Ўзининг, касбининг, жамоасининг шайъини ўйлаган журналист ҳеч қачон

бундай номуносиб ишларга қўл урмайди.

Назаримизда, либераллар ўз партиясининг туман кенгаши фаолиятини ҳолис ўрганиб, нима сабабдан туман Кенгашидан бор-йўғи учта депутатлик ўрнини олгани, кейинги сайловда кўпроқ ўрин эгаллаш учун қандай ҳаракат қилаётганини таҳлил этганида мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мухбирлар ЎзХДП депутатлари фаолиятини ўрганмоқчи экан, партиянинг Пскент туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Дилбар Комиловага мурожаат этишлари мумкин эмасми? Туман Кенгаши сессиялари муҳокама қилиб киритилган ҳар бир масалани партияимиз депутатлик гуруҳи аввал гуруҳда кўриб чиқиб, кейин сессияда ягона позицияни ҳамой қилаётганини, депутатлик гуруҳи ташаббуси билан шу вақтга қадар туман Кенгаши сессияларида тўртта масала муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинганини билиб олишган, ЎзХДП депутатлик гуруҳи бирорта ҳам ташаббус билан чиқмади, деб ёлгон гапирмаган бўларди.

Масалан, депутатлик гуруҳи аъзолари «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг таълим муассасаларида ижро этилишини ўрганиши. Унинг натижалари гуруҳ йиғилишида, сўнг туман Кенгашининг Ешлар сибсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясида ҳамда

сиди ҳам ноҳолис фикр билдиргани. Сессия кун тартибига масала киритган ЎзХДП депутатлик гуруҳи, сессияни олиб берган, сўзга чиққанлар, ҳатто залдан туриб савол берган депутатлар ҳам ЎзХДП вакиллари эди. ЎзЛиДеП вакилларида ҳеч қандай сўзга чиқмагани. Буни кўра-била туриб, у ўз партиясида сайланган депутатлар суствалари ҳақида чуқурроқ тўхталиб, ҳамма депутатларни жим ўтирганида айтагани эди.

Хўш, бу нимадан далолат беради? ЎзЛиДеП нашридаги ҳамкасбларимиз ўзaro баҳс-мунозарани ҳаёлга келганини гапирариши айтилди, сайловлар ва партия электрати вакиллари ташвишлантираётган саволларга жавоб олишди.

Ҳаҳон молиявий-иқтисодий инкиррознинг салбий оқибатларининг, жамоасининг шайъини ўйлаган журналист ҳеч қачон

сида ҳам ноҳолис фикр билдиргани. Сессия кун тартибига масала киритган ЎзХДП депутатлик гуруҳи, сессияни олиб берган, сўзга чиққанлар, ҳатто залдан туриб савол берган депутатлар ҳам ЎзХДП вакиллари эди.

Хўш, бу нимадан далолат беради? ЎзЛиДеП нашридаги ҳамкасбларимиз ўзaro баҳс-мунозарани ҳаёлга келганини гапирариши айтилди, сайловлар ва партия электрати вакиллари ташвишлантираётган саволларга жавоб олишди.

Ҳаҳон молиявий-иқтисодий инкиррознинг салбий оқибатларининг, жамоасининг шайъини ўйлаган журналист ҳеч қачон

сида ҳам ноҳолис фикр билдиргани. Сессия кун тартибига масала киритган ЎзХДП депутатлик гуруҳи, сессияни олиб берган, сўзга чиққанлар, ҳатто залдан туриб савол берган депутатлар ҳам ЎзХДП вакиллари эди.

Хўш, бу нимадан далолат беради? ЎзЛиДеП нашридаги ҳамкасбларимиз ўзaro баҳс-мунозарани ҳаёлга келганини гапирариши айтилди, сайловлар ва партия электрати вакиллари ташвишлантираётган саволларга жавоб олишди.

Ҳаҳон молиявий-иқтисодий инкиррознинг салбий оқибатларининг, жамоасининг шайъини ўйлаган журналист ҳеч қачон

тўғрисида туман иқтисодий бўлими бошлигининг ахбороти депутатларимиз ташаббуси билан аввал тегишли доимий комиссияда тингланб, сессия муҳокама қилиб чиқилди.

Депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан доимий комиссияларда ўндан ортик масала кўриб чиқилган. Уларнинг барчасига бирма-бир тўхталишни лозим топмадик.

Қилинган ишлар, Гўзал Нарзиқулова, Темур Азаматов, Зубайда Кодирқулова, Рафоат Эргашева, Азамат Ҳамроев, Абдуҳамид Давронов каби депутатларимиз фаолияти билан танишиб, шунга амин бўлдикки, ҳар бирининг фаолиятини аниқ мисоллар келтириш мумкин.

Хўш, либерал партия нашри мухбирлари ЎзЛиДеП депутатлари туман Кенгаши сессиясида бирорта масала киритганига гувоҳ бўлишимиз? Бу ўринда улар асосий эътиборни ўз депутатлари фаолиятига қаратса тўғри бўлмасми?

Бу билан биз депутатларимиз қабул қилинган йўл қилиб қўйишди, деган фикрдан йироқми, албатта. Ўзига хос камчиликлар бор. Бироқ либераллар депутатларимизнинг барча ташаббусларини йўққа чиқаришдан нима мақсад кўзлаган?

Мазкур мақола муаллифларидан бири Озод Ражабов аввалроқ ҳам худди шундай йўл тутган эди. У халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг VII сессияси ҳақида ёзган мақола-

ларида депутатлик гуруҳи раҳбари Дилбар Комиловага мурожаат этишлари мумкин эмасми? Туман Кенгаши сессиялари муҳокама қилинган ҳар бир масалани партияимиз депутатлик гуруҳи аввал гуруҳда кўриб чиқиб, кейин сессияда ягона позицияни ҳамой қилаётганини, депутатлик гуруҳи ташаббуси билан шу вақтга қадар туман Кенгаши сессияларида тўртта масала муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинганини билиб олишган, ЎзХДП депутатлик гуруҳи бирорта ҳам ташаббус билан чиқмади, деб ёлгон гапирмаган бўларди.

уларнинг. Мен депутатлар ҳақида айтган гаплар ЎзЛиДеП депутатлари ҳақида эди. Улар газетда ҳатто фамилиямини ҳам нотўғри ёзишди.

Шоира Ражабова ҳам фермернинг гапларини тасдиқлади. «ХДП кучли партия, илдизлари мустаҳкам, шу сабабли оёру-этибори юқори, бизнинг бу партияга ҳеч қандай эътирозимиз йўқ» дея таъкидлади у.

Биронинг номидан тўқиб-бичишга, айтмаганини айтиш, деб даъво қилишга «XXI asr» махсус мухбирларини нима мажбур этди экан? Улар нима қилиб бўлса-да, ХДПни ёмонга қатнариши уйлашганини ёки танқид учун мавзу топмай, тўқисам ҳам бўлаверди, деб ўйлашганимикин? Бундай йўл журналист этикаси, маданиятига мутлақо зид ҳаракат-ку. Ўзининг, касбининг, жамоасининг шайъини ўйлаган журналист ҳеч қачон

сида ҳам ноҳолис фикр билдиргани. Сессия кун тартибига масала киритган ЎзХДП депутатлик гуруҳи, сессияни олиб берган, сўзга чиққанлар, ҳатто залдан туриб савол берган депутатлар ҳам ЎзХДП вакиллари эди.

Хўш, бу нимадан далолат беради? ЎзЛиДеП нашридаги ҳамкасбларимиз ўзaro баҳс-мунозарани ҳаёлга келганини гапирариши айтилди, сайловлар ва партия электрати вакиллари ташвишлантираётган саволларга жавоб олишди.

Ҳаҳон молиявий-иқтисодий инкиррознинг салбий оқибатларининг, жамоасининг шайъини ўйлаган журналист ҳеч қачон

сида ҳам ноҳолис фикр билдиргани. Сессия кун тартибига масала киритган ЎзХДП депутатлик гуруҳи, сессияни олиб берган, сўзга чиққанлар, ҳатто залдан туриб савол берган депутатлар ҳам ЎзХДП вакиллари эди.

Хўш, бу нимадан далолат беради? ЎзЛиДеП нашридаги ҳамкасбларимиз ўзaro баҳс-мунозарани ҳаёлга келганини гапирариши айтилди, сайловлар ва партия электрати вакиллари ташвишлантираётган саволларга жавоб олишди.

Ҳаҳон молиявий-иқтисодий инкиррознинг салбий оқибатларининг, жамоасининг шайъини ўйлаган журналист ҳеч қачон



ЎзХДП ҳаёти

# Ташаббус амалий иш билан мустаҳкамланади

(Даъвоми. Боши 1-бетда.)

Масалан, Учкўприк туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи кўмағида хизмат кўрсатиш ва сервис коллежи битирувчиларидан икки нафарига жами 3,5 миллион сўм микрокредит олиб берилди. Натижада 10 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, Марғилон шаҳри маҳалларини қайта кўриб чиқиш ва у ерда истиқомат қилаётган аҳоли сонининг мувофиқлигини таъминлаш юзасидан ишчи гуруҳи тузилиб, масала ўрганиб чиқилди.

Бу масала Ўзбекистон ХДП Марғилон шаҳар Кенгаши депутатлик гуруҳининг ташаббуси билан сессия кун тартибига киритилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Бу ерда депутатларимиз аראлашуви билан худудда фаолият кўрсатаётган пилаани қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарни ҳамой қилиш билан таъминлаш ҳам яхшиланди. Бу эса 100 киши барқарор иш ўрнига эга бўлишига хизмат қилди.

ЎзХДПнинг халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан аҳолига транспорт қазмати кўрсатиш сифати ўрганилди, натижада уни яхшилашга қаратилган қарор қабул қилинишига муваффақ бўлинди.

Бундай мисолларни Олтиариқ, Тошлоқ, Бувайда ва Фурқат туманларидаги депутатлик гуруҳларимиз ишида ҳам кўриш мумкин.

Агар биз ўз фаолиятимизда аниқ натижага эришмоқчи бўлсак, партия ташкиллари ва депутатлик гуруҳлари муаммоларни шунчалик қайда этиш билан чекланмай, уларни амалда ҳал қилиш тақлифлари билан чиқиши зарур.

Пленумда Концепцияни амалга ошириш бўйича 2011-2014 йилларга мўлжалланган ЎзХДП вилоят кенгашининг Ҳаракат дастури ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи иш режаси баҳс-мунозаралар асосида муҳокама қилинди.

**Топволди ХОЛДОРОВ,**  
**халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:**  
— Мен авваламор мустақилликнинг 20 йиллигига

бағишлаб ҳар бир партия аъзосини 20 тадан кўчат экиб, юртимизни ободонлаштиришга ҳисса қўлишга чакираман.

Фарғона вилояти бўғ-роғлар макони. Аммо етиштирилган меванинг 20-30 фоизи нобуд бўлиши оддий ҳолга айланди. Қишлоқларда, маҳалларда сизими 10, 20 тонналик совуқхоналар қуриш, мевани қайта ишлайдиган кичик ишлаб чиқариш линияларини ишга солиш, шу йўл билан янги иш ўринлари яратишда ҳамкорлик қилиш зарур масалалардан бири, деб ўйлайман. Шундай қилинса, бозорларда тўқилди бўлади, аҳоли даромади ошади, нарх-наво мўътадиллашади.

**Муҳаммаднўмон ЭҒАМБЕРДИЕВ,**  
**ЎзХДП Марғилон шаҳар кенгаши раиси:**

— Марғилонда 200 миңг аҳоли бўлса, унинг қариб 30 миңинг уйда хунармандчилик қилади. Уларни касаначилик сифатида рўйхатдан ўтказиш, шу йўл билан қолганларни ижтимоий ҳимояни ташкил этиш қилмасдан, касаначилик ҳақида қонун қабул қилинмаса экан, иш берувчи ва касаначи ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда муаммолар келиб чиқавради. Олий Мажлисдаги депутатларимиз бу борада иш олиб бораётганидан хабаримиз бор. Шундай экан, касаначиликни ривожлантиришга оид масалани атрофлича ўрганиб, таклифларни Олий Мажлисдаги фракцияимизга юбориш зарур.

Пленумда, шунингдек, сиёсий семинарлар тингловчилари сафини кенгайтириш, аҳоли, аввало, электротраннинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, партия нашрлари — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига обуна йил мобайнида давом эттириш каби масалалар юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Диққат, танлов!

# Журналистика соҳасида «ОЛТИН ҚАЛАМ» VI миллий мукофоти



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистлари қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАБ ҳодимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» VI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди. 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2010 йилнинг 31 мартидан 2011 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2011 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади. Танлов голиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Голиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўрак нишон, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.  
**Асосий мукофотлар:**  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврӣ матбуот — 1-, 2-, 3-ўринлар);  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).  
Биринчи ўринни олган голиблар диплом,

«Олтин қалам» кўрак нишон, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.  
Иккинчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўрак нишон, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.  
Учинчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўрак нишон, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.  
**Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:**  
— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;  
— фаол фуқаролик позицияси учун;  
— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши та-

лилий материал учун;  
— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши тахлилий материал учун;  
— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йиллиги бағишланган энг яхши материал учун;  
— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;  
— ҳарбий-ватанпарварлик мавзудаги энг яхши материал учун;  
— энг яхши журналистик текширув учун;  
— мураккаб журналистика (фавқуллода вази-ятлар, атраф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;  
— энг яхши режиссёрлик иши учун;  
— энг яхши матбуот хизмати;  
— энг яхши фоторепортаж учун;  
— энг яхши карикатура учун;

— чет эллик журналистинг Ўзбекистон тўғрисида энг яхши материали учун.  
Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича голиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.  
«Олтин қалам» танлови голиблари ва совриндорларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридagi Нодават нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг молиявий кўмағида амалга оширилади.  
Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.  
Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).  
Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот т



ЎЗБЕКISTON МИЛЛИЙ БАНКИ:

# Ривожланишнинг устувор йўналишлари

■ Президент Ислom Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислохотларнинг бешта асосий тамойилига таянувчи илчил ижтимоий-иқтисодий сиёсат амалга оширилаётганлиги, инқирозга қарши қабул қилинган бир қанча чора-тадбирлар жаҳоннинг аксарият мамлакатларида кузатилаётган пул қадрсиэлианининг кучайиши, ишлаб чиқариш ҳажмлари камайиши, инвестициявий фаоллик пасайиши, аҳолининг турмуш даражаси ёмонлашуви каби салбий омиллар юзага келишининг олдини олди ҳамда давлат иқтисодиёти барқарор ва мувоозанатли ривожланишнинг таъминлади.

Давлат томонидан қўйилаётган вазифаларни амалга оширишда банк сектори муҳим аҳамиятга эгаллиги Президентимизнинг чиқишларида қўп мартаба таъкидланган. Бир томондан, тижорат банклари уларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароит ҳисобланувчи иқтисодий барқарорлигидан манфаатдор бўлса, иккинчи томондан иқтисодий ривожланишнинг барқарорлиги қўп жиҳатдан банк тизимининг барқарорлиги ҳамда қайишқоқлиги, у самарали ишлашига боғлиқдир.

Миллий мақомга эга бўлган банкнинг фаолияти давлат иқтисодиётида юз бераётган барча жараёнлар ва ўзгарилар билан бевосита алоқадор эканлиги табиий ҳол. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг принципили ўзгармайди. Яъни, у бутун мамлакат иқтисодиётининг ҳам, ҳар бир мижознинг ҳам эҳтиёжларини доимо диққат марказида туради.

Миллий банк мамлакат раҳбарияти томонидан юкланган масъулиятни вазифани бажариб, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришлари кўллаб-қувватлаш учун хорижий инвестицияларни жалб этишда, кенг доирадаги юксак сифатли замонавий банк хизматларини тақдим этишда фаол қатнашмоқда.

Ҳозирги кунда сармояс ҳажми 811 млрд. сўми ҳамда активлари 6,9 трлн. сўми ташкил этаётган «Ўзмилийбанк» мамлакатдаги энг катта ва етакчи банк ҳисобланади.

Миллий банк сисёати тўғри танланганлигини унинг мижозлари базаси барқарор ўсиб бораётганлиги ҳам тасдиқламақда. Чунончи, мазкур банк мижозлари сони 2009 йилда 1945256 тани ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 2374500 тага етди.

Хизмат кўрсатилиётган мижозлар сонидаги катта ўсиш чакана мижозларга тўғри келади. 2010 йилда улар мижозлари 2 миллиондан ошди.

Шунингдек, корпоратив мижозлар бизнесини ривожлантириш Миллий банкнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш, айланма ва асосий сармомияни молиялаш, конверсия хизматлари, инвестиция хизматлари, кредит йўналишлари, савдонни молиялаш, «Банк-мижоз» масофадаги хизмат кўрсатиш тизими ва кенг доирада тақлиф этилаётган бошқа операциялар — тезкорлик ва ишончлилик қафолатидир. Бундан ташқари, банк юридик шахсларнинг ҳисобварақларини очиб ҳамда юритиш, тўловларни амалга ошириш, барча турдаги ахборот хизматларини тақлиф этаётти.

Ҳозирги вақтда ёқилги-энергетика комплекси, кон қазииш санаоти, тўқимачилик ва озиқ-овқат санаоти, қурилиш соҳаси корхоналари банкнинг энг йирик мижозлари сафидан жой олган.

Банкнинг ташкил этилган кенг тармоғи мамлакатнинг барча минтақаларда жойлашган 90 та бўлими ва филиаллардан иборатдир.

Миллий банк жаҳоннинг 75 мамлакатдаги 600 дан зиёд энг катта ва энг нуфузли хорижий молия муассасалари билан муносабатлар ўрнатган ҳамда фаол алоқа қилиб турибди. Қўп жиҳатдан шу тўғрисида банк халқаро банк ҳамжамиятида юқори ва мустахкам оёғига эга бўлган.

Миллий банкнинг бир неча маротаба қатор нуфузли мукдорлари кўлга кўриганини унинг етакчи молия муассасаси сифатида халқаро даражада эътироф этилганидан далolat беради. Хусусан, «Moody's» ҳамда «Standard and Poor's» халқаро агентликлари, шунингдек, Россиядаги энг катта «Эксперт РА» рейтинг агентлиги Ўзмилий банкка рейтинглар бергани ва бу рейтингларни тасдиқлаганлиги мазкур банк томонидан ривожланиш стратегияси тўғри танланганини кўрсатади.

**МИНТАКОВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

Республиканинг ташқи алоқалари жўшқин ривожланаётгани ҳамда халқаро ҳамкорлик амалиёти муваффақиятли юритилаётгани шарофати билан Миллий банк кўллаб-қувватлаш банк муассасалари, турли мамлакатлар ҳамда минтақаларнинг ҳукумати ва жамоат ташкилотлари учун ишончли молиявий шерик сифатида мустахкам мавқега эга бўлди.

Банк халқаро молия муассасалари билан ҳамкорлик доирасида Осие Тараққиёт банки (ОТБ), Ислom Тараққиёт банки (ИТБ), Хитой Давлат тараққиёт банки (ХДТБ), Хитой Эксим-банки, Халқаро Валюта фонди (ХВФ), Ислom хусусий секторни ривожлантириш корпорацияси (ИХСК), Осие ва Тинч океани молия муассасалари уюмаси (АФРАТО), Осие банклари уюмаси (ОБУ) ва бошқалар би-

лан ҳамкорлик позицияларини янада мустахкамлаш ишларини олиб бормоқда.

2005 йилда Миллий банк ШХТ Банкларао бирлашмасига аъзо бўлган ва ўша вақтдан буён бу бирлашма аъзолари билан ҳамкорликни мустахкамлаш борасида фаол иш юритмоқда.

Миллий банк Хитой Давлат тараққиёт банки билан йўналишда ҳамкорлик қилаётти. Хусусан, биринчи ШХТ Банкларао бирлашмаси билан ҳамкорлик йўналиши бўлса, иккинчи йўналишга кўра мазкур банк иштирокчи республикада жами 1,3 млрд. АҚШ долларлари ҳажмидаги йирик инвестиция лойиҳалари, шунингдек, кичик бизнес лойиҳалари амалга ошириляпти.

2010 йилнинг июнь ойида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари саммити доирасида Миллий банк билан Хитой Давлат тараққиёт банки (ХДТБ) ўртасида 75 млн. АҚШ долларлари қийматидаги кредит битими имзоланди. Бу маблағлар кичик бизнес инвестиция лойиҳаларини молиялашга йўналтирилган.

Миллий банк билан Корея Экспорт-импорт банки ўртасида қарз битими имзоланганиги Ўзбекистон Республикасида халқаро инвесторларнинг фаолиги кучаяётганлигининг яна бир далили бўлди.

Умумий қиймати 50 млн. АҚШ долларини ташкил этган бу қарз битими Жанубий Корея корхоналари билан биргаликда, «Навсий» ЭИИЗ ҳудудида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари молияланишини кўллаб-қувватлашга қаратилган. Бу эса, республикани иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. «Ўзмилийбанк»нинг Корея Эксим-банки билан ушбу кредит йўналиши доирасидаги ҳамкорлиги икки йирик банк муассасаси ўртасида 2005 йилда бошланган икки томонлама самарали ҳамкорликнинг мангитқий давомии бўлди.

**ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШ**

Ҳозирги вақтда Миллий банк умумий қиймати 600 дан зиёд энг катта ва энг нуфузли хорижий молия муассасалари билан муносабатлар ўрнатган ҳамда фаол алоқа қилиб турибди. Қўп жиҳатдан шу тўғрисида банк халқаро банк ҳамжамиятида юқори ва мустахкам оёғига эга бўлган.

Миллий банкнинг бир неча маротаба қатор нуфузли мукдорлари кўлга кўриганини унинг етакчи молия муассасаси сифатида халқаро даражада эътироф этилганидан далolat беради. Хусусан, «Moody's» ҳамда «Standard and Poor's» халқаро агентликлари, шунингдек, Россиядаги энг катта «Эксперт РА» рейтинг агентлиги Ўзмилий банкка рейтинглар бергани ва бу рейтингларни тасдиқлаганлиги мазкур банк томонидан ривожланиш стратегияси тўғри танланганини кўрсатади.

2010 йил мейнунда Миллий банк томонидан умумий қиймати 237,29 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи кредит маблағлари тақдим этилди. Ҳозирги кунда авиакомпания томонидан «А-320-200» русумидаги 6 та самолёт қабул қилиб олинди ва ўрта масофага лойиҳа йўлларида қўйилганига муваффақиятли жорий этилди. Авиакомпания лойиҳа доирасида Миллий банк кўмағидан фойдаланиб, 2011-2016 йиллар давомида Фарбда ишлаб чиқарилади яна 10 та самолётга эга бўлади.

Темир йўл транспорти тизимлари ривожланиши иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларда катта ўрин тутди. Мазкур йўналишда Миллий банк томонидан «Talgo-250» русумидаги (Испанияда ишлаб чиқарилган) иккита тезорар электропоезд сотиб олиш учун 19 млн. евро ҳажмидаги кредит жалб этилди.

Электропоездлар сотиб олиш орқали «Ташкент — Самарқанд» йўналишида тезорар темир йўл йўловчи транспортини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Бундай қилиниши фаол бизнес-алоқаларни, шу жумладан,

сайтеҳлики кенгайтириш, йўловчи ташилиш бўйича юқори сифатли хизматлар кўрсатилишини таъминлаш, Самарқандга бориш ва у ердан қайтишда йўлга кетадиган вақтни камайитириш имконини беради.

Ёқилги-энергетика комплекси ҳам Ўзбекистон санаотининг йирик тармоғи ҳисобланади. Хусусан, «Ўзбекэнерго» ДАК лойиҳалари доирасида Миллий банк томонидан Навсий исциклик электр станциясини модернизациялаб, 478 МВт қувватга эга буғ-газ қурилимаси, 313,6 МВт қувватга эга газ-турбина қурилмаси (электр энергияси) ҳамда 164,15 МВт қувватга эга буғ-турбина қурилмасини (сисциклик энергияси) бунёд этиш лойиҳаси бўйича молиялаш ишларини бошлаган. Ҳозирги кунда мазкур лойиҳа бўйича 397,8 млн. евро ҳажмидаги молиялаш ишлари бошланган.

Бундан ташқари, Ҳозир «Кўнгирот» КСда газ қуриетиш объекти қурилиши ҳамда «Қамчик» довоии орқали «Оҳангарон — Пунган» магистрал газ қувури ўтказиш» лойиҳалари бўйича молиялаш ишлари бошланган. Бу лойиҳаларнинг умумий кредит эҳтиёжи 99,9 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Республика қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялашда Миллий банк гоат катта вазифаларни бажараётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунончи, банк томонидан Андижон вилоятидаги «Раиш-Ҳакент-1», «Улугнор» ва «Улбаҳор-1К» насос таъинияларини реконструкциялаш лойиҳалари молияланмоқда. Мазкур лойиҳалар бўйича кредит эҳтиёжи умумий суммаси 58,1 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Бундан ташқари, Марказий Фарғонадаги шудгорланадиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича умумий кредит эҳтиёжи 8,48 млн. АҚШ долларлари бўлган лойиҳа молияланапти. Лойиҳалар амалга оширилиши ерларнинг мелиоратив ҳолатини анча яхшилаш имконини беради. Бу эса, уларнинг унумдорлиги ва фойдаланиш самардорлигида акс этади.

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ КўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ**

Ҳозирги кунда мамлакат аҳолисининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш, шунингдек, маҳаллий бозорларни мамлакатимизда ишлаб чиқилган товарлар билан тўлдириши вазифаларини хал этиш мақсадида республика ҳукумати томонидан кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлигини ривожлантиришга биринчи даражали аҳамияти берилмоқда.

Бу йўналишда Миллий банк томонидан бир қанча хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари, республика бюджетдан ташқари жамғармаларининг кредит йўналишлари ва банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаш ишлари олиб бориляпти.

Банк республикага хорижий инвестициялар оқимини кўпайитириш учун асос яратишга ва бу инвестициялар чегараларини кенгайтиришга интиляпти. Бу ишлар энг замонавий технология асосида иқтисодий ривожланишга қўшимча рағбат беради.

Хорижий кредит йўналишларнинг маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаш доирасида Ҳозирги кунда Миллий банк томонидан умумий қиймати 591,3 млн. АҚШ долларлари бўлган 253 та лойиҳа маъқулланди.

Хусусан, ИТБ йўналиши бўйича умумий қиймати 13,9 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи 7 та лойиҳа молияланди. ХДТБ маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 45,99 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи 112 та лойиҳа молияланди.

Банк томонидан иқтисодиёт тармоқларининг кенг доирасига мансуб кичик бизнес субъектлари кўллаб-қувватланмоқда. Булар — энгил санаот, озиқ-овқат санаоти, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги, кимё санаоти, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқалардир. Барча кредитлар рақобатбардoш махсулот ишлаб чиқариш имконини берувчи энг янги усуна ва технологияларни сотиб олишга бериляпти.

Банк томонидан молияланаётган кўллаб лойиҳалар республикага импорт қилинаётган товарлар камайиши ва экспорт қўлайишига хизмат қилаётти, мамлакат ташқи савдо балансининг ижобий салдосига эришишда ёрдам бермоқда.

Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан хорижий валютада умумий қиймати 11,84 млн. АҚШ долларлари бўлган 4 та лойиҳа молияланди. Хусусан, «Самарқанд парранда» паррандачилик фабрикаси учун янги усуналар сотиб олишга, «Афросиёб мева» ҚҚда мева-сабзавотларни қайта ишлаш усуналарини модернизациялаш, «Мергантек» МЧЖдаги усуналарни модернизациялаш ва қайта жиҳозлашга маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, Миллий банк миллий валютада кредит фаолиятини олиб бораётти. Хусусан, фақат 2010 йилнинг ўзида банк томонидан миллий валютада 355 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги қарорини бажариш мақсадида ўтган йил мейнунда деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида қорамоллар сонини кўпайитиришга 6,2 млрд. сўм ажратилди.

**ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қулай ҳуқуқий инвестиция муҳити, хорижий инвесторлар учун қафолатлар ва имтиёзларнинг кенг тизими яратилди. Хорижий инвестициялар иштирокчидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш чора-тадбирларининг яхлит тизими ишлаб чиқилди. Унда банк тизими бош вазифалардан бирини бажаради.

Молияланган бир қанча лойиҳаларни амалга ошириш натижалари Миллий банк юритаётган инвестиция сисёатининг самардорлигини тасдиқламақда. Ҳозирги кунда банк ўзининг бутун сайъ-ҳаракатларини ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янги қувватларни ишга тушириш лойиҳаларини молиялашга қаратмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармони бу соҳада муҳим қадам бўлди. Мазкур фармон корхоналарни молиявий соғломлаштириш ҳамда барқарор ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш ташкил этилишини тақомиллаштиришга, ташқи ва ички инвестицияларни жалб этишга қаратилган.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни янада кўпроқ олиб кирилишини рағбатлантириш мақсадида банк томонидан иккита шўьба инвестиция компанияси — «NBU Invest Group» ва «NBU Investment» компаниялари таъсис этилди. Иқтисодий қийинчиликлар дуч келган ишлаб чиқариш корхоналари самарали бошқарилишини, рақобатбардoш махсулот ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, шунингдек, инвесторларни излаб топиш ва уларга бу корхоналарни сотиш мазкур компанияларнинг бош вазифаси қилиб белгиланди.

Ҳозирги вақтда банк балансига қабул қилинган 44 та корхона иши тикланиб, уларда ишлаб чиқариш бошланди. Хусусан, «Chinoz textile» МЧЖ ва «Osqo-yo textile» МЧЖ каби тўқимачилик корхоналари, гилам ишлаб чиқарувчи «Nogazm Gilamlari» МЧЖ, қувурлар ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар — «Asia Pipeplast» МЧЖ ва «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, озиқ-овқат санаоти корхоналари ҳисобланувчи «Azia Biskvit» МЧЖ ҳамда «Azia Ay» МЧЖ ва бошқалар шулар жумласидандир.

Иқтисодий ночор корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, уларни модернизациялаш ва зарур айланма сармомия билан таъминлаш учун 64,1 млрд. сўм ҳажмидаги маблағлар инвестицияланди. Корхоналар томонидан 136,8 млрд.

сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди, 43,2 млн. АҚШ долларлари қийматидаги махсулот экспорт қилинди, 5,825 тадан зиёд янги иш ўринлари вужудга келтирилди. Айни пайтда қабул қилинган мол-мулкни потенциал мулкдорларга сотиш ишлари олиб бориляпти.

Банк томонидан молия бозори муассасаларини ривожлантириш масаласига кучли эътибор қаратилмоқда. Хусусан, инвестицияларнинг катта қисми банк сектори, лизинг ва сугурта компанияларига йўналтирилган.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлаш банк инвестиция фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Миллий банк «Ўзавиализинг» ОАЖ ва «Ўзметкомбинат» АЙЧБ каби корхоналарнинг акциядоридир. «Ўзмилийбанк» томонидан қимматли қоғозлар бозорини брокерлик, андеррайтинг хизматлари, давлат ва корпоратив шакллантириш каби турли хизматлар тақдим этилмоқда, банкнинг ўз қимматли қоғозлари чикариляпти.

2010 йил якунларига кўра, банк томонидан корхоналарнинг акциялари ва улусларини сотиб олиш йўли билан уларнинг устав сармомияларига инвестициялар сифатида йўналтирилган жами қўйилмалари 544,07 млрд. сўми ташкил этди. Миллий банк инвестиция портфели ўсиши йил давомида 187,6 млрд. сўми ташкил қилди.

**ЧАКАНА БАНК**

Миллий банк Ҳозир Ўзбекистон Республикасининг молия муассасалари орасида, шу жумладан, мазкур йўналишдаги асосий сегментлардан бири — пластик карточалар бозорини чакана банк сифатида етакчилик мавқеини аввалгидек мустахкам сақлаб турибди. Пластик карточалар бозорини ривожлантиришнинг асосий мақсади эса пул маблағлари банкдан ташқарида айланганини қисқартириш, қарточка улусовчиларга кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш ва тақомиллаштиришдан иборатдир.

Шуниси диққатга сазоворки, Миллий банк мижозларининг 70 фоиздан кўпрогини ташкил этувчи қарточка улусовчилар улардан фақат тўлов воситаси сифатида эмас, айни пайтда ўз пул маблағларини жамғариш мақсадида ҳам фойдаланадилар. Шу муносабат билан банк томонидан банк пластик карточаларидан фойдаланган ҳолда ҳақ тўлаш мумкин бўлган хизматлар рўйхатини кенгайтириш борасида доимий асосда иш олиб бориляпти. Ҳозирги кунда банкоматлар, инфокиосклар ва тўлов терминаллари орқали коммунал хизматлар, урли алоқа хизматлари, интернет-провайдерларнинг хизматлари учун пластик карталар воситасида тўловларни қабул қилиш таъминланган.

Ҳозир Миллий банк чиқарган пластик карточалар сони 2 миллиондан ошган. Фақат 2010 йилнинг ўзида 497,8 мингта қарточка муомалага чиқарилди. Улар бўйича бажарилган операциялар ҳажми 963,2 млрд. сўми ташкил этди. Бу эса, аввалги йилнинг шу давридаги хизматининг 2 баробар ортиқ.

Иш ҳақи лойиҳалари доирасида 728,8 мингта қарточка чиқарилди. Бу, умумий эмиссиянинг 32 фоизга тенг. Мазкур иш ҳақи лойиҳалари доирасида махсус ҳисобварақларга қарийб 1,2 трлн. сўм ўтказилди. Бу эса, аввалги йилдаги қилинган 2 баробар кўп.

Миллий банк кўрсатилаётган хизматлар доираси мижозлар учун имкон қадар жозибадор ва манфаатли бўлишига ҳаҳмиша интилиб келган. Шаҳар кўчаларида ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмалари орқали пластик карточалардан тўловларни қабул қилувчи ахборот киоскларининг тармоғи кенгаймоқда. Энди қарточка эгаларининг вақти чегаралаб қўйилмайди, улар банк ходимига қараб қолмайди. Яъни, киосклар кеча-кундуз ишлайди. Шунингдек, фойдаланувчи исталган вақтда ўз ҳисобварақлари тўғрисида, банк ҳақида, тарифлар хусусида ахборот ва бошқа маълумотларини олиши мумкин.

Анванизий «of-line» сервис турига қўшимча равишда, Ҳозирги кунда Миллий банк томонидан масофадан хизмат кўрсатишнинг E-mail, SMS-банкнинг, шахсий-Web- ва IVR-кабинет каби турлари жорий этиляпти.

Ҳозирги вақтда мустақил Ўзбекистоннинг ривожланиш динамикаси, мамлакат ҳаётининг барча жабҳалари, айниқса, иқтисодиёт соҳаси эркинлаштирилаётгани мамлакат оқлида турган масъулиятли янги вазифалар учун жавоб берувчи Миллий банк янада ривожланиши учун объектив замин ҳозирламақда.

Давлид ва жўшқин ривожланаётган Миллий банк мамлакат раҳбарияти олиб бораётган ислохотларни амалга оширишда фаол кўмаклашиши, профессионал молия муассасаси, ўз мижозларининг ишончли ҳамкори сифатида мустахкам оёру қозонди.



Жаҳон иқтисодиёти ҳамда ҳозирги жаҳият глобал электрон инфратузилмани барпо этиш сари тез суръатлар билан интилмоқда. Бун илчи англаган Миллий банк махсулот ва хизматларини ривожлантириш стратегиясини режалаштираётганда улар ресурсларимиздан анча олис жойларда ҳам қўлланилиши мумкинлигини ҳисобга олмоқда.

**ОМОНАТЛАР**

Миллий банк ўзининг бутун тарихи давомида мамлакат фуқароларининг фаровонлигини оширишга катта эътибор бериб келаяпти. Депозитлар ҳажми ўсиши банк бўлими ва филиаллари орқали кўрсатилаётган хизматлар доираси кенгайтирилиши, омонатларнинг шартларини мақбуллаштириш, янги махсулотларни ишлаб чиқиши ва жорий этиш, уларнинг сифатини ошириш йўлидаги аниқ мақсадли ишларнинг натижаси бўлди. Албатта, бу ҳолат айни пайтда республика аҳолисининг Миллий банкка мамлакатдаги энг ишончли молия муассасаларидан бири сифатида ишончи ортганидиган далолат беради.



Кўрсатилаётган хизматлар жозибадорлигини ошириш учун Миллий банк томонидан доимий асосда янги турдаги омонатлар ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда. Бундан фуқароларнинг ижтимоий тоифалари ва ёши ҳисобга олинапти. Бундан ташқари, Миллий банк мамлакат турмушининг турли тарихий саналарига бағишланган депозитларни ишлаб чиқмоқда. Чунончи, 2010 йил Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши муносабати билан банк томонидан 35 ёшга бўлган йилгит-қизлар учун «Баркамол авлод» янги омонатини, шунингдек, болалар учун миллий ва хорижий валютада очилган камида 5 йил сақланадиган ва бола 16 ёшга тўлганда қайтариладиган «Бойчек» жамгарма омонатини жорий этди.

Чунончи, 2010 йилнинг ўзида 12 та янги депозит ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Шулардан, 5 таси узок муддатли депозитлардир. Миллий банк, шунингдек, омонатчиларга бир хорижий валютани бошқасига нақдсиз алаштириш бўйича кенгайтирилган лари тақлиф этди. Шу муносабат билан АҚШ долларлари, евро ва Англия фунт стерлингидаги «Имтиёз» муддатли мултивалюта омонати қайта амалга киритилди. Бунда омонат қолдигини юқориди кўрсатилган учта валютадан исталган бирига конвертациялаш имконияти берилди.

Миллий банк муассасаларида ҳозирги кунда ҳаҳмаси бўлиб миллий валютадаги 15 хил ва хорижий валютадаги 7 хил муддатли депозитлар амал қилмоқда.

Чакана хизматларни ривожлантириш соҳасида 2010 йил учун тасдиқланган сисёат муваффақиятли амалга оширилиши Миллий банкка мамлакатнинг Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги қарорига мувофиқ аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича ҳар йили тижорат банклари орасида республикада ўтказиладиган танлов гoлиби бўлиш имконини берди. Бунда банк «Аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича йилнинг энг яхши банки» номинациясида биринчи ўринни, «Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича йилнинг энг яхши филиали» номинациясида иккинчи ўринни (Миллий банк Денов филиали), «Пластик карточалар орқали иш ҳақи лойиҳаларини жорий этиш бўйича энг яхши банк филиали» номинациясида учинчи ўринни эгаллади (Миллий банк Урганч бўлими) ҳамда «Хорижий валютадаги энг яхши жамгарма депозити» қўшимча номинациясида гoлиб чиқди.

Миллий банк бўлими ва филиаллари ҳар кун қўллаб-қувватлаш мурожаат қилиб, ўз жамгармаларини қандай депозит турларига қўйиш мумкинлиги ҳақида саволлар беришяпти. Бу эса республика аҳолисининг фаровонлиги ошгани, умуман, банк тизимига ва хусусан, Миллий банкка ишонч ортганидан далолат беради.



Футбол



Ярим финал:

Ўзбекистон — Австралия

Бугун Қатарда давом этаётган XV Осиё чемпионати ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Дастлаб, Япония — Жанубий Корея, кейин Ўзбекистон — Австралия футболчилари майдонга тушишди.

Агар Осиё кубогини учрашувлари тарихига назар ташласак, мамлакатимиз бош жамоаси ҳамда австралияликлар илк маротаба мажбури мусобақа доирасида учрашди. Хўш, унда омад қимга қилиб бўлсинки?

Вадим АБРАМОВ, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи:

«Яшил қитъа» вакиллари катта халқаро тажрибага эга. Бир қатор футболчилари Европа клублари шарафини ҳимоя қилади. Аммо бу жамоамиз аъзолари заррача чўчила олмайди. Энг асосийси, бу муҳим ўйин олдида жамоамиз таркибида ҳеч қандай жиддий йўқотишлар йўқ. Ишонаманки, бу гал ҳам галаба қозонамиз.

Хольгер ОСИЕК, Австралия миллий терма жамоаси бош мураббийи:

Мен ўзбекистонликларнинг ирданиликларига қарши ўтказган ўйинини томоша қилдим. Ўзбекистон низоҳатда яхши шакланган жамоа ва улар бошқача футбол намоиши этишди. Бу Австралия терма жамоаси учун яна бир синов бўлади. Ярим финалда таркибимизда Жейсон Кулина, Тим Кэхил каби етакчи ўйинчиларимиз майдонда тўп сура олмайди. Шунга қарамай, ҳал қилувчи учрашувга йўлланмани кўлга киритиш учун астойдил уришиб қўрамиз.

Эркин ХОЛБОБО

Ўзбек футболи, ўзбек ўғлони Осиёни лол қолдирмоқда

Одил Аҳмедов, 1987 йил 25 ноябрда Наманган туманида туғилган. Республика Олимпия захиралари коллежида ўқиган. 2005 йилда «Локомотив» жамоаси ўринбосарлари таркибиде тўп суради. 2006 йилдан бунён «Пахтакор» сафида. Ўзбекистон чемпиони: 2006, 2007. Ўзбекистон Кубогини соҳиби 2006, 2007, 2009. Ўзбекистоннинг энг яхши футболчиси: 2009.



Вақти. Олдинда бизни жаҳон чемпионати саралаш баҳслари кутиб турибди. Бу ўйинларда миллий терма жамоамизга Европа майдонларида тўп сурадиган футболчиларнинг тажрибалири ақсолини шубҳасиз.

Козоннинг «Рубин» клубида селекция мураббийи бўлиб фаолият юритаётган терма жамоамизнинг собиқ аъзоси Андрей Фёдоров ҳамда Москванинг «Локомотив» клубида худди шу лавозимда ишлаётган Ҳаким Фузайловлар айни пайтда Дохада Осиё футболчиларини кузатишмоқда. Ҳамкасбимиз Баҳодир Мирзаев Фёдоров билан қисқа суҳбат уюштирди.

Ўзбекистон терма жамоасини Қатарга қарши ўтказган дастлабки ўйинини кузатдингизми?

Албатта. Ўзбекистон терма жамоаси рақибдан ҳар томонлама устуңлик қилди. Очиғи, улардан бунчалик кучли ўйин кутмагандим.

Одил Аҳмедовнинг голи ҳақида нима дея оласиз?

Одилнинг голи нафақат турнинг, балки чемпионатнинг энг чиройли голига даввогарлик қилишга лойик. Бу футболчи анчадан бери кузатиб келяпман.

Рохатон АХМЕДОВА, футболчининг онаси:

Турмуш ўртоғим — Олимжон Аҳмедов футболнинг ашаддий ишқибози. Мен ҳам у кишига қўшилиб,

телевизор орқали ўйинларни кўриб турадим. Она сифатида ўғлимнинг майдондаги ҳаракатларини жон кўзим билан кузатавериб, футболни нафақат тушунаман, балки ҳис этаман.

Одилжон тетапоя бўлиб энди юра бошлаганида дадаси шу ўғлимдан зўр футболчи чиқади, дер эди. Илоҳим кўз тегмасин, омадини берсин. Акасига эргашган қичинамиз Азимжон Республика олимпия захиралари коллежида 3-курсда ўқияпти. Наманганнинг «Навбахор» жамоасида ўйнайди. Спортчиларнинг онасига қанчалик қийин эканлигини айтиб бера олмайман.

Шавкат АХМЕДОВ, футболчининг укаси:

Мен акамнинг бир хислатини алоҳида таъкидлашни истардим. У жуда ҳушмуомала, камтар. Акамнинг бу яхши одатлари, айниқса, қишлоғимизга келганида, кўни-кўшни билан гаплаган пайтда кўпроқ билинади. Баъзилар озгина шон-шухратдан ўзини йўқотиб қўяди.

Футболдаги ҳар бир ютуқ халқимиз руҳини осмон қадар кўтаради. Мағлубият эса... Беҳудага футбол миллионлар ўйини, деб аталмаган. Бугун бутун ўзбекистонликларнинг кўзи Дохада бўлиб ўтаётган Осиё кубогига тикилган. Бизни қувонтирган, бизда умид уйғотаётган ўйинларни кўриб, миллий терма жамоамиздан яна, яна, яна галабалар кутиб қоламиз.

Темур АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Набижон ХАЙДАРОВ, Наманган туманидаги 30-мактабда жисмоний тарбия фанидан дарс берган, меҳнат фаҳрийси:

Одилжон бошланғич синфдалигидаёқ футболни яхши ўйнади. Бир қуни мактаб қошидаги футбол клуби аъзоларини 23-мактабда ўтказилган хотира турнири олдида поликлиникага тиббий кўриқдан ўтказиш учун олиб кетаётсам, ўқитувчи Собиржон Париев «Одилжонни ҳам майдонга туширсан, ҳаракатлари зўр» деди. Шу бўйича у билан астойдил шуғулландим.

Одилжондаги истеъдод кўпроқ майдонни кўришида, вазиятни тўғри баҳолаб, тўғри қарор чиқара олишида кўзга ташланади. Футболчилар ибораси билан айтганда унда «диспетчерлик» қобилияти бор. Муҳими, у майдонда жой танламайди. Ҳимоя, ярим ҳимоя, ҳужум чизикларида бемалол тўп сура олади.

Оқибатли йигит. Ҳар ўйиндан олдин кўнгирак қилади. У нафақат моҳир футболчи сифатида, балки яхши тарбияси билан ҳам ёшларимизга ибрат бўла олади.

XV Осиё Кубогидеги қизиқарли ўйинларда Одилжоннинг иштироки, айниқса, рақиблар дарвозасига йўллаган голлари бутун кишлок ахлини ҳажонга солди. Севинчдан қалбларимиз ларзага келди.

Азамат МУРОДОВ, спорт журналисти:

Одил Аҳмедовнинг ярим ҳимоячи сифатида ўйинлари шу кунга қадар жуда кўпгаб мутахассислар томонидан юксак эътироф этилган. Шу кунларда бўлиб ўтаётган Осиё кубогини мусобақаларида уни терма жамоамиз бош мураббийи Вадим Абрамов марказий ҳимоячи сифатида синаб кўрмоқда. Аввалига бу қарорни эшитган кўпчилик қатори мен ҳам ажаблангандим, «қандай бўларкин», деб. Бироқ Одил ҳақиқатан ҳам профессионал эканлигини ва янги амплуада ҳам бемалол тўп сура олиши мумкинлигини исботлади.

Унинг яна бир ютуғи ҳимоя билан чекланиб қолмаётганлигида. Вақти келганда ҳужумларга ҳам қўшилиб, Сервер Жепаров ҳамда Улуғбек Бақоев билан биргаликда терма жамоамизнинг Осиё Кубогидеги тўпурари бўлиб турибди.

Ахмаджон НЕЪМАТУЛЛАЕВ, футбол ишқибози:

Одил нафақат ярим ҳимояда балки майдоннинг исталган чизигида ўйнай оладиган кам сонли футболчилардан бири. Бунга биргина мисол қилиб, терма жамоамизнинг Осиё кубогидеги иштирокини келтиришимиз мумкин. Одил ҳимоя марказини шу даражада ишончли кўриқламоқдаки, гўёки у аслида шу чизикда анчадан бери тўп сургандай таассурот қолдиряпти.

Эълон

Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 4 декабрдаги «Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри ва Оҳангарон тумани ҳудудларини бириктириш ҳамда Оҳангарон шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисида»ги 137-II сонли қарорига асосан Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида жойлашган солиқ тўловчилар Оҳангарон тумани давлат солиқ инспекциясида солиқ тўловчи сифатида қайта рўйхатта олинишини эълон қилади.

Маълумот учун телефонлар: Оҳангарон шаҳар ДСИ — 8-370-645-42-02 150-59-49

Оҳангарон туман ДСИ — 8-370-645-63-88 8-370-645-52-10 150-59-95

Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 4 декабрдаги «Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Янгийўл тумани ҳудудларини бириктириш ҳамда Янгийўл шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисида»ги 136-II сонли қарорига асосан Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳар Давлат солиқ инспекцияси тугатилиб, Янгийўл шаҳрида жойлашган солиқ тўловчилар Янгийўл тумани давлат солиқ инспекциясида солиқ тўловчи сифатида қайта рўйхатта олинишини эълон қилади.

Маълумот учун телефонлар: Янгийўл шаҳар ДСИ — 8-370-602-26-61 150-49-44

Янгийўл туман ДСИ — 8-370-606-30-59 150-59-75

Advertisement for 'Uzneftegazdobycha' featuring a tender for 'Ustyurtgaz' in Karakalpakstan. It includes details about the company, the tender process, and contact information for the organizing institution in Kungurad.

Footer information including organizational details for XDP, contact lists for editors and authors, publication data for 'Uzbekiston Ovoz' magazine, and ISSN/issue information.